

УДК: 619:616.9.638.14

ҚУЁНЧИЛИК СОФ ДАРОМАД МАНБАИДИР

Хушназарова Моҳигул Илхомовна

Тадқиқотчи - Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети 3 - босқич талабаси.

E-mail: xushnazarovamohigul@gmail.com

Исоқулова Зебо Худойбердиевна

Тадқиқотчи - Нарпай туман 1 - сон касб-хунар мактаби ўқитувчиси

zeboisoqulova@gmail.com

Расулов Уткир Илашович

Илмий раҳбар - Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети доценти в.в.б., ветеринария фанлари доктори

E-mail: rasulovutkir@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада қуёнчилик соҳасининг сердаромад соҳа эканлигига алоҳида урғу берилган ва турли зотга ва ёшга мансуб қуёнлардан олинадиган харажатлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар. Қуён, гўшт, махсулот, харажат, даромад, соф фойда.

RABBIT NET INCOME

ABSTRACT

This article emphasizes the fact that rabbit farming is a profitable industry and analyzes the costs of rabbits of different breeds and ages.

Keywords. Rabbit, meat, product, cost, income, net profit.

КИРИШ. Кейинги йилларда мамлакатимизда чорвачиликнинг тез суратларда ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Охирги йилларда Республикаимизда чорвачиликни ихтисослаштириш бўйича алоҳида қарорлар қабул қилингани, натижада тармоқда аввал бўлмаган рағбатлантириш механизми йўлга қўйилганлигини эътироф этиш керак. Масалан, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ташкил

этилган қуёнчилик кластери лойиҳаси чорвачилик соҳасида олиб борилаётган ислохотларга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу лойиҳа натижасида вилоятда истиқомат қилаётган 7 мингдан зиёд киши ўз шахсий хўжалигида қуёнчилик соҳаси билан шуғулланиб, йилига 20 - 25 миллион сўмгача соф даромад олиш имкониятига эга бўлмоқда. Кластер доирасида аҳолига қуён, унинг ем-озуқаси, керакли анжомлар етказиб бериш, ҳамда ветеринария хизматлари таъминотчи-интегратор компаниялар томонидан амалга оширилмоқда. Аҳолидан етилган қуёнларни марказлашган кушхоналар орқали қабул қилиб олиш механизми ишлаб чиқилган. Бу билан экологик тоза ва парҳезбop ҳисобланган қуён гўштини аҳолига сифатли қилиб етказиб беришда ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда етарли даражада ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

АДАБИЁТ ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Қуёнчилик сердаромад соҳа ҳисобланади, қуён эса сермахсул ҳайвон саналади. Қуёндан парҳезбop гўшт, тери, сифатли мўйна ва кўплаб маҳсулотлар, жумладан консерва маҳсулотлари, бойитилган минерал озукалар, турли хилдаги ферментлар, азотга бой органик ўғитлар ва олий навли елим ва бошқаларни олиш мумкин. Қуёнчиликдан олинадиган маҳсулотларнинг асосий қисмини парҳезбop гўшт ташкил қилади. Қуён гўшти аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, ўт-пуфак, жигар, анемия, бўғим ва суяклар касалликларига шифобахш дармон бўлиш билан бир қаторда ақлий қобилиятни ҳам яхшиланишига таъсир қилади. Қуён гўштида ёғ миқдори кўп бўлишига қарамай, холестерин миқдори кам. Ҳар куни истеъмол қилинадиган қорамол ва товук гўшtlарига нисбатан қуён гўшти ккалорияси юқорилиги сабаб тўйимли эканлиги аниқланган. (1- жадвал).

1-жадвал.

Қорамол, қуён ва товук гўштининг таркиби (100 гр. маҳсулотда)

Маҳсулот (гўшт)	Ёғ	Холестерин	Ккал
Қорамол	12,4	1,25	187
Қуён	12,9	0,4	199
Товук	8,8	2	165

Тадқиқот мақсади. Турли зотга ва ёшга мансуб қуёнлардан олинадиган харажатларни иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш ва урганиш.

НАТИЖАЛАР. Тадқиқотлар Ургут тумани “Мақсудабону бизнес сервис” х/кга қарашли қуёнчилик фермасида олиб борилди. Фермада *Хекол* зотли, турли ёшдаги қуёнлар парваришланмоқда. Қуёнчиликни ферма шароитида кўпайтириш учун биринчи йилдаги сармоя ва ундан келадиган даромаддан фойдаланиб, харажатлар сметаси ишлаб чиқилган.

Адабиёт маълумотларидан аниқланишича, қорамолда тана вазнига нисбатан гўшт ҳажми 45% ни ташкил қилади, қуёнда эса бу кўрсаткич 70% ни ташкил қилади. Қуён гўштининг фойдали томони қуёнчиликни ривожлантириш давр талабига айланишига туртки бўлмоқда. Қуёчиликни ривожлантириш учун зотдор қуёнлар танланса юқори самарадорликка эришилади. Гўшт йўналишидаги зотдор қуёнларга: оқ ва кулранг великан, фландр, янги зеландия, калифорния, хекол, кулранг йирик зотидаги қуёнлар киради. Қуёнларнинг бўғозлик даври 28-32 кунни ташкил қилади, қуён бир болалашда 6-8 тагача бола беради. Бир йилда битта она қуёндан 6 мартагача насл олиш мумкин. 30 та она қуёндан бир йилда жами 1440 та қуёнча олиниши мумкин. Ёш қуёнлар бир ярим ойликда сутдан ажратилиб, озуқага киради. 3 ойлик қуёнларнинг тирик вазни 2,5-3,0 кггача етади. Битта она қуёндан бир йилда ўртача 150 кг гача парҳезбоп гўшт олиш мумкин. Қуёнлардан бола олиш учун 4-6 ойлигида қочириш тавсия этилади.

МУҲОКАМА. Бир бош *Хекол* зотли она қуённинг ўртача баҳоси 200 минг сўм атрофида. Қуёнлар учун минералларга бой тайёр озуқанинг 1 кг нархи – 4 минг сўм. Қуёнларни ферма шароитида сақлаш учун ўртача ҳар бир катакка 100 минг сўмдан харажат талаб қилинади. Шу нархлар билан 30 та бош она қуён учун биринчи йили даромад 85 млн. сўм бўлса, йиллик даромад 134 млн. сўмни ташкил қилади. Биринчи йилда қилинадиган харажатлардан соф фойда 49 млн. сўмни ташкил қилди.

Соф фойда = Йиллик даромад - умумий нарх

Соф фойда = 134000000 – 84150000 = 49000000 сўм.

Кейинги йилларда олинган даромад соф фойда ҳисобланади, чунки она қуён ва катаклардан доимий равишда фойдаланилади. Юқорида баён этилган фикрлар 2-жадвалда, батафсил келтирилган.

2-жадвал

Олинадиган харажатларни таҳлили

Товар	Бирлик нархи (сўм)	Умумий нархи (сўм)	Йиллик даромад	Соф фойда
Хекол зотли қуён (30 бош)	200 000	6 000 000	-	-
Озуқа (17т.)	4000	68 000 000	-	-
Қафас (100 дона)	100 000	10 000 000	-	-
Рабивак вакцинаси (10 дона)	15 000	150 000	-	-
Жами харажат	-	84150000	134000000	49000000

ХУЛОСА. Шундай қилиб, қуёнчилик соҳасидан олинадиган махсулотларнинг сифатлилиги, ҳамёнбоплигини эътироф этган ҳолда, олинаётган соф фойда миқдори сезиларли даражада юқори курсаткичларни ташкил қилиши аниқланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Berdiyevich, D. R. (2023). *TO DETERMINE THE EFFECTIVENESS OF ANTIBIOTICS IN PREVENTING CHICKEN COLIBACTERIOSIS BASED ON EXPERIMENTS.*

2. Давлатов, Р. Б., & Хушназаров, А. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАТАДБИРЛАРИ. *AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI*, 181-184.

3. Давлатов, Р. Б. (1993). Совершенствование методов борьбы с аскариозом кур.

4. Даминов, А. С., Хашимов, Б. С., & Хушназаров, А. Х. (2018). ЭПИЗООТОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In *Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК* (pp. 76-83).

5. Gafurov, A. G., Davlatov, R. B., & Rasulov, U. I. (2011). *Protozoal diseases of farm animals.*

6. Гафуров, А. Г., Давлатов, Р. Б., & Расулов, У. И. (2013). *Ветеринарная протозоология. Учебник для ВУЗа.-Т.:«Зарафшан.*

7. O'G'Li, R. Q. Z., & Isoqulova, Z. X. (2021). *Qishloq xo 'jalik hayvonlarining trematodozlari haqida ma'lumot. Science and Education*, 2(12), 97-101.

8. Расулов, О., Илёсов, З., Суюнов, Р., Расулов, Ш., & Хушназарова, М. (2022). *Vozorlardagi go 'shtning yangiligini aniqlash usullari. Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 132-136.

9. Турсункулов, А. Р., & Хушназаров, А. Х. (2020). ҚАЙВОНЛАРНИНГ ЛАРВАЛЬ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАТАДБИРЛАРИ. ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, 332.

10. Худойбердиевич, Х. А., Хушназарова, М. И., & Исоқулова, З. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(9), 245-249.

11. Хушназаров, А. Х. (2022). ОБЗОР ЛИТЕРАТУРНЫХ ДАННЫХ ПО ХИМИОТЕРАПИИ И ХИМИОПРОФИЛАКТИКИ ЭЙМЕРИОЗА КРОЛИКОВ. *PEDAGOGS journali*, 23(2), 83-86.

12. Хушназарова, М. И., Расулов, У. И., & Исакулова, З. Х. (2022). СОВРЕМЕННЫМ И ПЕРСПЕКТИВНЫМ МЕТОДАМ ВЕТЕРИНАРНО-САНИТАРНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(2), 81-84.

13. Хушназарова, М. И., & Расулов, У. И. (2022). ҚУЁН ГЎШТИНИНГ ВЕТЕРИНАРИЯ САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ. *In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 21, pp. 78-83)*.

14. Хушназаров, А. Х., Хушназарова, М. И., & Исоқулова, З. Х. (2023). ЭЙМЕРИОЦИД ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИДА ҚЎЛЛАШ. *Innovative Development in Educational Activities*, 2(1), 138-143.